

# ЖАМ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 31 декабрь пайшанба  
Сотувда эркин нархда № 257 (2038)

## СОВГАЛАР УЛАШИЛДИ

Шу кунларда мамлакатимизнинг шахар ва туманларидаги "Меҳрибонлик уйлари", махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаларини олишмоқда. Ана шундай тадбир Фарғона шаҳридаги 86-махсус мактаб-интернатда ҳам бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари номидан болажонларга ажойиб совғаларни вилоят ҳокими Н.Муининов топширди.

Муллаўғичи Тошмухамедов номли Қашқадарў муеикали драма театрида ҳам байрам тадбири ўтказилди. Унда "Меҳрибонлик уйлари"нинг тарбияланувчилари, эҳтижман оила-ларнинг фарзандлари, ногирон болаларга мамлакатимиз Президентининг янги йил совғаларини вилоят ҳокими Ш.Бегматов топширди.

Бухоро шаҳридаги Абу Али ибн Сино номли маданият саройида ҳам янги йил муносибати билан тантанали маросим ўтказилди. Вилоят ҳокими С. Хусенов болаларга мамлакатимиз Президентининг байрам совғаларини топширди.

(ЎЗА)

### Янги йил нияти

## ЧУҚУРЛАРДА ҚУРҒИШ АКС ЭТИСИН

Кечагина рўй бергандай — арча, безаклар, дастурхон. Тунги навбатчиликдан кеч қайтдим. Ун иккита ярим соат қолган.

Уша кеч фарзандларим то мен ишдан келганимга қадар дастурхонга қўл ҳам уришмаган экан. Янги йилни да-ламиз билан бирга кутиб ола-миз, дейишганда.

— Дада, дадажон! Янги йил кирди, — бижиллаб кет-ди қизчам.

— Яхши... Ке, сени бир кучоқлаб қўй.

— Дада, нимани ният қилаяпсиз...

Стоп атрофида жамулам оилам — рафиқам, ўғлим, қизағим жим. Оғзимни пойлашапти.

— Тинчлик бўлсин. Фақат тинчлик бўлсин, — дедим.

— Дадаси, сиз ҳам қариб-сиз-а...

— Нега?

— Худди кекса одамлар-дай... гапираяпсиз.

Мақолани дабурустан шу тахит бошлаган ким-нингдир энисини қотирар.

Бироқ мана, умрим дарахтининг бир япроги чирт этиб узилди — бир йилим кетди.

Мен ўтган йилда нима топдим, нима йўқотдим, нима-мага эришдим, нима армон бўлиб қолди — ҳаммасини бир-бир қўз олдимдан ўтказ-яяман.

Ва, фақат битта хулосага келаяман — ИШҚИ-ЛИБ, ТИНЧЛИК БЎЛСИН.

Юртимиз ҳам шундай... Халқимиз ҳам шундай. Усишда.

Фақат олға кетилмоқда.

Ислохотлар самараси кўринапти.

Одамлар ҳам анча ўзига пишиқ (яхшилик маъносид), Ишида ҳам унум бор.

Буларнинг бари ниманинг орқасидан бўлапти? Тинч-ликнинг.

Агар эл-юрт тинч бўлма-са, усиш қаяқ.

Одамлар сезади. Қуриб-билиб турибди. Қурол билан бир нарсани ҳал қилиш муш-кул.

Қурол ишлатган юртда эл-улус пароканда бўлади. Халқ тўзғийди. Ҳаётнинг, тир-рикликнинг меъёри бузи-лади.

Хонадондан осойишта-лик кўтаришдан кишининг хаёли жойида туради, деб-ким айтиди? Агар юрти но-тинч бўлса, кимнинг егани ўзига татийди? Ахир осой-ишта ҳаётига тўс-тўполон чанг солган мамлакатда одам-лар хотиржам бўлганини ким қурибди? Нотинчлик одам-ларини овора қилади. Ору-умидларини бўғиб қўяди.

Хамма нарсаси қўз силташга мажбур этади.

Бундай ҳолда усиш бўлмайди...

Бундай лайдта халқнинг эл тепасида турган раҳбарлар-га ишончи йўқолади. Кунгли совида...

Бу гапни бекорга айтма-дим — мана, атрофимизда нима-лар бўлапти? Халқ ҳам-масидан оғоҳ. Бизга қўшни айрим давлатлардаги тўс-тўполонлар ханузгача тинма-япти. Қон туқилаяпти.

Бизда халқ яратувчилик

иши билан банд. Чунки у тинч. Тинчлиги, тенглиги, хонадони осойишталиги мав-жуд. Фарзандлари ёнида. Дастурхонда нон бор. Меҳнат қилса, ҳеч кимдан кам бўлмайди. Еримиз бағрини очган. Ҳосилларимиз зиёда. Кўз тегмасин... Кимки шу нарсанинг қадрига етмаса, кўр бўлади.

Йўқ. Бугун бизда Одам-лар билиб қолиши — но-шуқурлик, шу кунларнинг қадрига етмаслик нотепки-лик билан баробар.

Ўзининг қадрига етмаган, онасини хурматламаган одамгина истиқлолимизни мустақамлаш ўғлидан ўзи-ни четга тортди. Панага ола-ди. Дангасалик қилади.

Юртдошларимиз яна бир нарсани яхши билиди.

Халқ бошида тинчлик учун жонини ҳам аямайди, элнинг ноҳақ бурни қонашига ҳам йўл қўймай-диган Президент бор.

Президент ҳар бир йил-да, хоҳ раҳбарлар, хоҳ халқ билан учрашмасин, бот-бот ТИНЧЛИКка тўхталадилар.

Тинчликни улуглайдилар.

Оллоҳ тинчликимизни берса, янада келажикимиз мумкинлиги ҳақида доимо Юртбошимиз уқтириб ўта-дилар.

Айтинг-айтинг, агар фар-зандларингиз бахти-саодати учун фидойилик қилаётган, шу замоннинг гулга тўлиб гурқураши учун тиним бил-маётган Инсоннинг, ўз хал-қининг тинч ва озоқ кун-ларда яшаши, меҳнат қили-ши, унинг-улгайиши учун барча машаққатларни зимма-сига олган Йўлбошчининг дилдаги кутлуг сўз — ТИНЧ-ЛИК бошқаларининг қалбига ўрнашиб, зиё сочмайди?!

Сочади.

Тинчлик зиё сочди.

Одамлар келажаги — тинч-лик.

Авалдолар иқболи — мил-латнинг бардавом бўлиши.

Шундай бўлган, тараққиёт бўлади-да.

Шундай бўлган, халқнинг чекрасида тинчлик бўлади-да.

Шундай бўлган, юртининг қадди тоғ бўлиб баланлаб боради-да.

Хаммаси тинчлик туфай-ли.

Хаммаси тинчликни сақла-ган Юртбошимиз туфай-ли.

Худого шукур. Фарзанд-ларимиз бор. Ҳеч биримиз уларнинг кўнглида укинч, қароғида мунг бўлишини ис-тамаймиз.

Бугун, Янги йил олдиан шулар кечаяпти халқимиздан.

Юртимиздаги барча иш-ларнинг асоси — Тинчлик эканини ҳис қилиш асоси-да юкордаги гапларни ёздим. Ва бу йил ҳам Оллоҳ насиб этса, фарзандларим даврасида айтар гапим шу бўлади:

— Тинчлик бўлсин...

Ва рафиқам бу йил ҳам айтен-айтар.

— Дадаси, қарибсиз...

Кўчор НОРҚОБИЛ,  
"Халқ сўзи" мухбири.



Йил муваффақиятли яқунланди. «Оила йили»да ҳар бир хонадонда эзгулик, қўт-баракат, тинчлиги хо-тиржамлик қарор топди. Жамиятимизнинг пойдевори ҳисобланган оилага эртибор ҳар қачонгидан-да оғди. Яхши натижалару покиза тилаклар билан йўлриланган янги йилнинг «Аёллар йили» деб эълон қилиниши оилага, оиланинг

гултожи ҳисобланган аёлга бўлган ҳурмат натижаси десак, муболаға бўлмас.

— Ҳатто не-не шоҳу амирлар ҳам аёлларни эъзозлаган, — дейди Меҳ-натбод туманидаги «Сай-хун» фермер хўжалиги сар-дори Сулаймон Йўлдошев. — Яқун топаётган йилни сар-ҳисоб қиларканмиз, ҳаёти-мизда аёлларимизнинг ўрни беқийс эканини янада те-

ранроқ ҳис этдим. Аёлла-римиз ҳар қанча ҳурмату эъзозга лойиқ. Бу йилги сал-кам бир миллионлик соф даромадимизда турмуш ўртоғим — Ҳосиятхоннинг аллоҳида ҳиссаси бор.

**СУРАТДА: Сулаймон Йўлдошев рафиқаси Ҳосиятхон ва набиралари Мар-добек билан.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олам сурат.**

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**Э. Курбоновни Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида**

Эргашев Курбон Э. Курбон ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 30 декабрь.

### ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Жиззахда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ис-лом Каримовнинг вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан учрашувда сузлаган нук-тидан келиб чиққан вазифа-лар ҳамда Ўзбекистон Респу-бликасининг 2000 йилгача бўл-ган даврда қилшолган инфратузилмасини ривожлантириш Дастурининг вилоятда бажари-лиши муҳима қилинди. Бу ма-салага алоқадор раҳбарлар билан сузлашувларда вилоят ҳо-кимини Ш.Мирзиёев маъруза қилди.

Вилоятда бу йил сановат иш-лаб чиқариши ҳажми 28 фоз, яъни қишлоқ хўжалик маҳсуло-ти 4,1 фоз, чакана товар айла-нини 16 фоз, пуллик хизмат кўрсатиши 12 фоз ўси, нақа пул эмиссияси режаларга 50,9 фоз ўринга 45 фозини ташкил этди. 1998 йилда 6 мил-лиард 444 миллион сўм, яъни ўтган йилдан 14 фоз кўп капитал маблағ улаштирилди.

Қишлоқ иқтисодини инфратузил-масини ривожлантириш дасту-рига мувофиқ, 288 миң квадрат метр турар жой, 4384 ўқув-чи таълим олоқиди ишлар таъ-минланади.

Сессияда қишлоқ хўжалиги-даги ислохотлар муваффақияти кўп жиҳатдан ширкат хўжали-ги, мулкый пай, оила пурати-ни извил жорий қилиш билан болгиқини аллоҳида таъминлади.

**Йўлчи ЖўРА,  
ЎЗА мухбири.**

### АКС САДО КЕЛАЖАГИ НУРЛИ АВЛОД

Мухаррам ИБОДОВА, *тиббидат ҳаммаси, Тош-кент вилояти:*

— Менинг тўрт нафар фар-зандимдан иккитаси ҳозир мактабда ўқийди. Шу сабаб-ли мактаб, билим олишга та-наллуқни ниманки бўлса, диқ-қат билан кузатиб бораман.

Фарзандларимиз ўз тасаву-ридаги ёруғ ва гузал келаж-када яшашларини, биз етол-маган орзуларга етишларини, эрта бир кун мустақил Вата-нинга фойдаси тегиб, унинг равиқига равақ қўшадиган баркамол инсонлар бўлиб ети-шларини истайман. Шу тўғрисида, эҳтимол, Юрт-бошимизнинг «Фарзандлари-миз билан кўра кучли, били-ми, доно ва албатта, бах-тлу бўлишлар шарт!» деган гаплари мени тўққиндан-ти-риб юборди. Бу шунчаки

кўнгли учун айтиладиган эмас, балки юракнинг туб-тубдан чиқадиган самимий сўзлар, том милодига ОТАНГА У ФАР-ЗАНДЛАРИГА НИСБАТАН ТИЛАКЛА-ри эди. Юракдан айтилган тил-дак эса, албатта, ижобат бўла-ди.

Баъзан эса болаларнинг ўқиши, билим олиши учун яратилган имкониятларни кўриб, шундай бахтли замон-да ишбатан фарзандларимга ҳармаси келди. Ҳозир уларга яратилган имкониятларни биз ҳатто ороҳ ҳам қилолмас-дик. Пулнинг қумгаиқсиз, ўз билими билан олий ўқув юр-тига ўқишга кириш, мактаб ўқувчиларининг чет элларда таълим олиши, Президент грантлари... бизнинг тасавури-мизга ҳам сизмасди. Ҳозир эса ҳамма гап боланинг ўзида қол-ган. Билиминг борми, марҳа-

мат, ҳамма эшиқлар очик.

Тўғри, эл-юртга фойда кел-тирмайдиган кўрүк билим ме-васиз дарахтга ўхшайди. Унд-дан на ўзига, на бировага фой-да тегмайди. Дарахтин, мева-си бўлсин. Ундан одамлар ўз на-бототга нафи тегсин. Бола ол-ган билимдан эл-юртга фойда тег-са, Ватани равиқига йўлида хизмат бесапар кетмаган бўла-ди.

**Сайёра ХАМИДОВА,  
Тошкент давлат универ-ситети қонидоги гимназиянинг 10-синф ўқувчиси:**

— Мустақил Ватанимизнинг эртани кўни, гузал тоғлар-ю нурли истиқболни биз — ёшлар-нинг қўлимизда. Ватанини иш-натин, бойитиш ва араш бир-кун келиб бизнинг вазифамиз-га айланади. Шундай экан, ке-лажак олоқиди маъсулиятни

ҳис этган ҳолда нафақат яхши ўқиймиз, балки билимимиз-ни малакамизни ошириб, вақт борлигида давлатимиз яратиб бераётган имкониятлардан тула фойдаланиб қолишимиз керак.

Йўлбошчимиз таъкидлаганла-ридек, бу юрт мента нима бер-ди, деб эмас, балки мен шу юртга нима бердим, деб ишай-лик.

— Биз — келажак этасимиз. Менинг назаримда эса, ўзим-нинг ва мустақил Ватанимнинг келажаги худди баҳор осмон-дай мусоффо, камалакдек гузал ва мафтункор бўлиб кўринади. Лекин ана шу гузал келажакка бугундан замин тайёрлаб бо-риш лозим-ку? Замини мус-таҳкам бўлса, бинао аерлар оша мағрур туради.

**«Халқ сўзи» мухбири  
М. ЙЎЛДОШЕВА  
сўзлашди.**

### МАҲАЛЛАЛАРГА ФАЙЗ КИРДИ

Маҳалла — жамиятимизнинг пойдевори. Маҳалла — давлатга жамиятга энг яқин идора. Ҳар бир бошқарин тизимининг, ҳусусан, маҳалланинг туб маъноси-га, моҳиятига кириб борган Президентимиз Ислом Каримов Олий Маҷлисининг ўн-чинчи сессиясидаги маърузаларида маҳаллани адолатли равишда шундай деб ата-дилар. Унинг фаолиятига юксак баҳо бердилар. Истиқлолнинг дастлабки кунла-рида ноқил қайриятларни, маҳаллаларнинг аянавий маъқени тиклаши ва тақомиллаштиришга эътиборни қаратиб тўғри қилинганлигини, улар ўзларининг қатор ибратли ишлари билан ишончини оқлаб келётганлигини таъкидладилар.

Зеро, ҳаёт ҳақиқати ҳам шундир. Айтишга осон, бироқ ушбу таъкидни айтиш учун жа-сорат, ҳақиқатлиги, истиқболлиги тўла ишонч, илмийлигини ҳамда миллийлигини дил-дилдан ҳис этиш зарур эди. Негаки, хал-қимизнинг шўрлар даврида топталган тари-хи, қадриятлари қаторида санокда бору сонда йўқ, деярли чала жон бир аҳволга тушиб қолган, эътиборсизликдан толган маҳаллани дадил тиклаш лозим эди.

Йўлбошчимиз ташаббуслари билан маҳал-лалар янгилаша бошланди. Қўлаб пастак, лойсевор маҳаллалар урнида ойналанди, за-монвий, обод гузарли маҳаллалар қад кўтар-ди. Шундай Тошкент шаҳрининг Халқлар дўстлиги майдони яқинида, Шайхонтоҳур ту-манида жойлашган «Қоратоп» маҳалласи фик-ринидаги дилдилар. Бир-биридан чиroyли-ли кўп қаватли, қулай уй-жойлар, ўрта мак-таб, боғча, дўкон бинолари, гузар, маийши хизмат қороналари фаолиятдан бутун ма-ҳалла аҳли манун. Бундай мисоллар кўп. 1992 йилда Йўлбошчимиз Ислом Каримов-нинг республика «Маҳалла» хайрия жамғар-масини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Мамлакатимизнинг барча ви-лоятларида, шаҳар ва туманларида «Маҳалла» хайрия жамғармасининг бўлим, бўлимчиси таркиб топди. Айна вақтда Президентимизнинг янги Фармонида кўра, «Маҳалла» марказий хайрия жамғармасига Вазирлар Маҳ-камаси захирасидан 25 миллион сўм ўтқа-зилди. Жамғарма маҳаллалар орқали ободон-чиликка, халқнинг маъмуриятига, эл-юрт фа-роновлигига хизмат қила бошлади. Маҳалла давр ўзгаришларида, талабларига мослаша бошлади. Шундан бошлаб қадимий ва на-вирон маҳалла жонлиниб, унга фойз кирди.

Маҳалланинг аҳамияти жуда катта бўлган-лигидан, одамларнинг бошларини қовушти-риш, элта ҳолисона хизмат қилиш, жамият тараққиётига ёрдам бериш, турмуш мадания-тини ошириш, тарбиявий-ахлоқий масала-ларни ҳал этиш борасидаги тарихий вазифа-ларидан келиб чиқиб, унинг ҳуқуқий мақо-мини белгилаш мақсадида 1993 йилда «Фу-қароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қону-ни қабул қилинди. Маҳалланинг мустақил-лиги йилларидаги вазифасини Президентимиз ўша вақтдаёқ аниқ белгилаб бердилар: «Жа-моатчилик гуялари, жамоа маънаватларининг бирлиги, кўнчилиқ фикрининг устулулига асосланган — жамиятимизнинг муҳим ҳусе-сиятидир. Шу боис жамиятнинг демократиялаш-тиришда унинг асосий қондаларини, энг ав-вало, яқини олоқиди рўёбга чиқаришда маҳалланинг роли гўят каттадир. Ҳозирги вақ-тда одамларнинг ҳақиқий моддий аҳволини, уларнинг маънавий ва маданий қизиқишлари доирасини маҳалладан яхшироқ биладиган бо-шқа тузумга йўқ. Маҳалла ҳозир халқ ишон-чини қозонган адолат масканидир ҳамда аҳolini яқини олоқиди қўллаб-қувватлаш ме-ханизми бўлиб қолди. У жамиятимизда исло-хотларни амалга оширишнинг ишончи таъ-ини ва таъсирчан востанга айланган дар-кор». Президентимиз таъкидлаган ушбу тўғри йўлдан собит қадамлар билан илгарига қараб юрган маҳаллаларда амалга оширилган улкан ишлар ҳақида мухтасар гапириб қийин.

Амалга оширилган ишларнинг моҳиятини шунда кўриш мумкинки, ўтган тарихан қисқа вақтда истиқлол шарофати-ла жамиятимиз тубдан ўзгарди.

Этти ярим йил давомида эришилган ютуқ-ларни илгарилари юз йиллар давомида ҳам қўлга киритиш мушкул эди. Ҳаётимизнинг ҳамма жаҳалларини, шу жумладан, маҳалла-лар ишини қайта қуришда катта ишлар олиб-борилди. Албатта, уларнинг орасида ижобий-лари ҳам, камчиликлар ҳам бўлди. Кўпроқ маънавиятга, маҳалла тизимида номукамал-ликлар кўзга ташланди. Жамиятнинг эъти-борида турган шундай муаммоларни ечиш,

умримизнинг кўп қисми ўтадиган маҳалла-ларда ҳар доим хушёр туриш, истиқлолни мустаҳкамлаш, унга гард ҳам юқтирмаслик бурчимиздир.

Республикамизда демократиялаштириш, янгилаш, тақомиллаштириш жараёни дав-лом этаётди. Олий Маҷлисида «Фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғри-сида»ги янги тахрирдаги Қонуннинг бирин-чи ўқишда қабул қилиниши ва кенг халқ оммаси муҳокамасига қўйилиши — Ўзбеки-стон Республикаси давлат сиёсатининг асо-сий мақсадли тиниқ ойнада кўрсатилдек, тўла-тўқис акс эттирилади. Бу мақсад эса му-стақил демократик ҳуқуқий давлат ва адолат-ли фуқаролик жамиятини барпо этиш, жа-моат назоратини ўрнатидир. Шу йўл бил-дан олий мақсад, инсонлар манфаатини қўла-тутган ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий вази-фаларни ҳал этиш, давлат, ҳукумат ва но-давлат ташкилотлари фаолиятини ўзгар-тиштириб, келажакни буюқ Ўзбекистоннинг қад-дини ростмана тиклашдир.

Янги Қонун халққа суниб, халққа хиз-мат қилаётган давлатимизнинг тобора ри-вожланиб бораётганини кўрсатуви беизир-дайдир. Қонунда бошқаруving қатори тур-ли хил вазифаларини бевосита, ундан баҳ-раманд бўладиган халққа топшириш қўла-тутилди. Бу тарихий тадбир ўз навбатида ўзини ўзи бошқариш органларини, шу жум-ладан, маҳаллаларнинг янада ривож то-пишини таъминлайди, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтиради, маҳаллалар қудратини оши-ришга хизмат қилади. Бинобарин маҳалла-лар маъсулиятини оширилади, бурчга, жа-моатчи деган фахрли номга янада салоқат бил-лан муносибатда бўлишга даъват этади.

Республика миқёсида Оқсоқоллар Кенга-шининг тузилиши жаҳон тажрибасида ян-гиландир. Бу билан Ўзбекистон дунёдаги дав-лат бошқаруви соҳасида ҳам чинакам халқ-чилик, бетакдор шаклдаги ўзига хос миллий давлат тузилмасининг асосини бўлиб қо-лишдан дарақдир. Бу тузилма ҳам теъ орада ўзининг ҳузурбахш мевадарини беришига аминимиз.

Умуман, маҳалланинг, маҳалла раислари ва фаолларининг Президентимиз томонидан давлат миқёсида юксак мақомга қўтарили-ши, фуқароларнинг сиёсий жараёндарга, дав-латни бошқаришда қатнашувини таъминлай-диган, муҳофаза қиладиган ҳуқуқий асо-сларни тақомиллаштиришга қаратилган эъти-бор, уларнинг жамият сиёсий тизимидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб берадиган, дав-лат ишларида таъсирини кучайтирадиган Қо-нуннинг қабул қилиниши ҳаётий зарурат-дир. Уни амалиётга таъбиқ этиш, ҳаётий во-қеликка айлантириш барчамизнинг долзарб вазифамиз, ватанпарвар фарзанд сифатида бурчимиздир. Бу юксак талабни маҳаллалар-нинг тулақонли, самарали фаолиятини та-саввур этиб бўлмайди. Аерлар давомида турли синовлардан ўтиб, яшаб келётган маҳалла — фуқаролар учун ҳам ота, ҳам она бўлиб, уларни ўзи билан эргаштириб, ўзига хос сиё-сий тафаккур, маданият маскани сифатида, истиқлолнинг ултувор режаларини, фуқаро-ларнинг энг мақсадларини амалга ошириш-да зарур омил, мустаҳкам таъин бўлиб қо-лади. Билимдон, оқил одамлар раислик қил-ган маҳаллалар нимагадир эҳалқини намоён этади. Президентимиз халқимиз фаронолиги, Ўзбекистонимиз ободонлиги йўлида илгари сураётган, Ўзбекистоннинг буюқ келажакини таъминлашга қаратилган ултувор ишларни амалга оширишда чина-кам камарбаста, мустаҳкам таъин кўрғини бўлиб қолди. Бу ултувор гоний халққа еткази-чилик, турар жойларда аҳolini келажакдаги режаларини амалга оширишга сафарбар эта-ди, ташкилий, ижтимоий, маданий ишлар-ни тинмай, оғишмай амалга ошираверади.

**Расул РАҲМОНОВ.**

### ЛИЦЕЙ ВА КОЛЛЕЖЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган мажлисида Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури қандай ба-жарилаётгани муҳокама қилинди. Унда республика-миздаги барча олий ўқув юр-тларининг ректорлари, коллеж-лар директорлари, минтақа кенгашларининг раислари иштирок этди. Маҷлисида Президент Ислом Каримов-нинг вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари кенгаши-да ҳамда Олий Маҷлисининг ўн-чинчи сессиясида сузлаган нуктидан ишга асосида акаде-мик лицейлар ва касб-хўнар коллежларини

Кумқўрғон туманидаги Нурмамат Мираев номидаги жамоа ҳўжалигида бугунги кунда 21 бош майда мол бор. Шунинг 12 таси эчки.

Бу ҳўжалиkning чорвачилик бўйича ҳисобчиси Эргаш Имомовнинг гапи.

Бундан 4-5 йил аввал «Н. Мираев»га уч ярим-тўрт минг бош майда мол борлигини хабардорлигим сузми бўлиб, Имомовнинг гапи ишонмадим. Ҳисобчи қолди. Шу 12 эчки ҳам қорозда туринти, деди.

Қорамол бош сонини сўрадим: 140 тага қолити. Кейинги тўрт йилда бу шох ийрик, тўғи қаттиқ жониворлар ҳам ун баравардан зиёда қамайиб кетити.

— Чорва қаёққа йўқолди? — деб сўрайман Имомовдан.

Майда мол одамларга иш ҳақида сотилиб қилинди. Қорамол — ҳусеуишлатирилади.

— Пала-партиш ҳусеуишлатирилади, — деб гапга қўшилди Назар Турсунов деган одам. — 1994 йили мен, масалан, 145 қорамолни ҳусеуишлатириб олдим. Мулкдор бўлган деб, димогим қуйиб қолди. Чунки, қарасак, мол бор-у, ер йўқ, ем-ҳашак йўқ. Арз-лодимизни ҳеч қим эшитмади. На раис, на ҳоким. Мол қасалга чагинди. Қамая бошилди.

Ҳўжалик судини бизга етган загарни ҳўжаликдан ундириб олиш ҳақидаги қарори, икки йилдирки, ижро қилинмапти. Уҳ айрим раислар, айрим ҳокимлар учирди-я чорваини баракасини.

Ҳўжаликнинг Холмамат Бойқобилов мудири бўлиб турган фермасига бордик. Шермамат Муминово деган бузоқбоқар «Э, мухбир келадиган кун ҳам бор экан-ку» деб, таширишимиздан вақти чў бўлиб кетди. Газеталарда чорваларнинг сурати босилмай қолди, деб эътироз қилди.

Фермада олтиншата сиғир бор. 21 таси соғилити экан. Сут асосан бузоқларга бериляпти (Туманда сут қабул қилиш пункти йўқ).

— 1200 бош мол боқилган яқин-яқинларда ҳам бу жойда, — дейди Шермамат. — Ана шундай қўралар бўшаб ётибди...

Шермаматнинг бу гапидан сўнг яна ҳаёда «Чорва нимага қамайди, уни қимлар қамайтириб!» деган савол айланди.

— Чорваини қўлини айрим раҳбарларнинг ишига ҳалақат қила бошладими, қисқаси, чорваини чорвалор акамларнинг ўзлари қамайтириб юборилди, — деб қолди Шермамат фалқулода уйлантирадиган гапни айтиб.

Шу гап яна ўзим билган айрим нарсаларни ёдига солганидан бўлади. Қизилқир туманининг «Гиламбоб» жамоа ҳўжалигини икки чорвалор — шулардан бири — Қарши Чориев — чорва илми номзоли. 1995 йил бошида 923 қорамолни, жумладан, 545 оғдотдор сиғирни ҳусеуишлатириб олдилар. Оралдан 6 ой ўтиб, улар тегишли идораларга 53 тонна сут, 24 бузоқ олдик, деб ҳисоб бердилар. Ваҳоланки, ўша мулк, ўша сиғирлар сотилмасдан аввал 1 ойда шунга мол-сулот, шунча бузоқ бериб турганди.

Олти ой ичида ўша икки номдор

чорвалор 545 сиғирни 310 тага қамайтириди — 235 сиғир йўқ!

Биров ўралдан, отинг нима, сиғирларни қаёққа туш қилинг, деб сўради. Мол яна қамаяверди. Яна сўрашди. Яна...

Кумқўрғонда бир чорвалор ҳар бири 50 кило тош босадиган 540 кўйини бир фирманинг иккита арава-сиёти айирбош қилиб юборди.

Чорваси учун сув топиб беролмай турган Бойсун тумани раҳбарлари айловларга пахта экишга киришиб кетди.

1995 йили Шўрчи туманида 5692 та қорамол ҳусеуишлатириб берилди.

Хоким тегишли идораларни огоҳ-лантирмаганми...?

Вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасининг чорвачилик бўйича мутахассиси Э. Жумиев мухбирнинг сўраши бўйича таъйиранган маълумоти аҳолининг чорва молларини ва улар етиштириётган маҳсулотларни миқдорини ҳам қиритибди. Шу маълумотни қўрсатиб, одам гулистон экан-ку, дейсиз. Гушт, сут, туҳум мўл-қўл. Бозор расталари обод. Тўймақаларнинг дастурхонлари фаровон. Яхши. Илб, ҳамиша шундай бўлсин.

Лекин... Термиз гушт комбинати

шу жоҳаддан давлатимизга нафимиз тега — юқоридagi гапларни келтирганимиздан мудоао асли мана шу, ахир!

Ишларимизнинг ҳозирги аҳолидан эҳтиросларимиз салгина ошгандай бўлди. Урмоққа-туқмоқ қилиб ўтиришдан фойда йўқдир. Энди икки оғиз фикрлашувга келасак.

— Чорвачиликни ривожлантириш учун, биринчидан, чиқинми қамайтириш керак, — дейди Рустам Давлатов. — Сут чорвага лойиқ ер лозим. Ҳозир вилоятда 19000 миң гектар майдонда оғуқ етиштириляпти. Бу жами экин майдонларимизнинг ун учдан бир қисмига тўри келади. Учтинчидан, назорат ва масъулиятни ошириш...

Мен бўлсам, Давлатовнинг айтганларига яна бир нарсани — чорвалорларнинг изланиши ва ташаббусларини қўшимча қилган бўлардим, ҳа, ўз касб-корини эшлаб ишлаётган чорвалорлар вилоятда йўқ экан. Шулардан бири Термиз туманидаги «Эргашполвон» ҳусеуи чорва ҳўжалигидир.

Ҳўжаликнинг раҳбари Худойназар Эргашев 1995 йилда 986 бош қорамол боқилган фермадан бирига бош олади. Эргашев ва унинг атрофидагилар қўйинчиликлардан қўрқмадилар. Имконият топдилар. Бугунги келиб ўша чорва тўла сарқиб қолди. Фермада ҳозир 360 сиғир соғилитяпти, йилга 300тадан бузоқ устриляпти. Шу йилнинг ўзида жамoa 12 миллион сўмга гушт сотди. Иш ҳақи вақтида бериляпти. Подачи ва сут соғувчи-лари бу ерда муқофот олиб туришляпти.

Шу тумандаги «Халқобод» ширкати уюшмаси ақинда 400 бош бурдоқи боқадиган иморат қурди. 5000 та товۇқ боқадиган жой ҳозир-ла.

— Чорвачилик иқтисодий зарар берди деган гаплар эскирди, — дейди ҳўжаликнинг раиси Бахтиёр Қурбонов. — Чорвалор молнинг бозори ҳеч қачон қасадга учрамаган. Бир дона туҳумнинг баҳоси. Иқт. мезонинг ёки сабаботнинг баҳосидан кам бўлмаган-ку.

Чорвалорнинг ички бозориди ошмиги олчи бўлмоғи керак-ку. Бозордан қўрмакчи. Бозорда ўзимизнинг гушт, сут, расталаримизни оқ-маймиз-да, сўнг чорвалорнинг қоса-си оқармайди, деган ақидида оғиз-миқини очиб турамиз. Йўқ.

Чорвалорнинг қоса-си оқардиган замон келди. Чорва қишлоқ ҳўжали-ти соҳасининг энг сердаромад тар-моғи бўлиб қолди.

Қурбоновнинг бу гапларини чор-васини пораканда қилиб қўйган бир одамга айтиб бердим. У ҳушёр тор-ди. «Қурбонов деганингиз ўзига ишонган одам экан, — деди, — ўзи-га, ишга ишониб яшаш — фило-лат», — деб қўшиб қўйди.

Ишонч, сабот, яхши ният билан яшаш... Ҳамма қатори бу чорвалорга ҳам ярашқли филолатдир.

Олимжон УСАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

МАЪНАВИЯТ  
ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ  
ЖИЛОЛАРИ

Бадий академиямиз раиси Турсунали Қўзиев яқинда «Нью-Йорк таймс» газетасининг бош муҳаррири билан эътиборга молик мулоқоти ҳақида гапириб берди.

— Сиз Нукусада Савицкий музейининг ноёб коллекцияларини чет элларда намойиш этиш оқибатлари ҳақида ҳеч уйлаб қўраингизми? — сўради АКШнинг энг нуфузли матбуот нашридан бирининг раҳбари. Мана, Германия иккинчи жаҳон уруши йилларида бу мамлакатдан олиб чиқиб кетилган маданий бойликлар қайтариб берилишини талаб этмоқда. Эртага бошқа мамлакатлардан сизларга ҳам худди шундай даъво бўлиши мумкинлиги тўғрисида фикр юритдингизми?

— Бундай бўлиши мумкин эмас, — жавоб қайтарди Турсунали Қўзиев. — Савицкий музейидagi коллекция республикамизги фуқаролари томонидан уларнинг эгалари авангард йўналишдаги расмлар учун қатогандан қўриқиб, бу асарларни ҳатто ахлатхоналарга ташлаб юборилганда ўз тақдирини, баъзида ҳаётини гаровга қўйиб тўплаган, яшириб қўйилган. Бир бурда нон қимматбаҳо узуқ ёки сирғана тенг бўлган ўша ҳаққатчилик вақтида буханка нонга алмаштириб олинган. Шундай экан, бизнинг музей тўпламларига ким даъво қилиши мумкин?

«Нью-Йорк таймс» газетаси бош муҳаррири бу мантиққа эътироз билдира олманглиги табиий.

Ана шу биргина мисолнинг ўзи кенг мушоадаларга, ҳалқимиз маънавиятининг теран илдизлари ҳақидаги чуқур ўйларга туртки бўлади.

Авангардизм шўролар даврида «чирик» буржуа мафкурасининг махсули сифатида олинмаганлиги, ёмон отликка чиқарилганлиги яхши маълум. Ижодда тасвирий санъатнинг бу йўналишига сал бўлса-да мойиллиги билдирганлар «ағмач», буржуазияга «ситиғувчилар» сифатида таъна-лашномлар остида қолганлар, ижодий уюшмадан қувилганлар, бадном этилганлар.

Тасвирий дунёқароши Шарқ санъати, Бехоҳ мини-атюралари анъаналари таъсирида шаклланган ҳалқимиз нима учун авангард йўналишидаги суратларга бепарқ бўлмаган экан? Бу, фикримизча, санъатшуносларимиз томонидан кент ва чуқур таълил этишга эришгулик воқеадир.

Жаҳон санъати ҳаётининг узидек ранг-баранг, серқирра услублар, мактабларга эга. Кимдир у ёки бу услублар ёқмаслиги мумкин. Аммо бу — санъатнинг шу йўналиши яшаш ҳуқуқига эга эмас, деган маънони англатмайди.

Халқимиз орасида авангард йўналишидаги суратлар моҳиятини тушунибгина эмас, унинг келажак авлод учун кераклигини билган, шу сабабли, уларни тўплаган чинакам санъат филолилари борлигидан ҳар қанча фалхлансақ арзийди.

Яна шуниси эътиборга сазоворки, асарларнинг бойлиги билан дунёда фўқ маълум машҳур Рус музейидан сўнг иккинчи ўринда турувчи Нукусадаги Савицкий музейи экспонатлари нега, ай-

тайлик, авангардизм урф бўлган Европа мамлакатларида эмас, ўзбекистонда тўплаганлигини ҳам ҳалқимиз маънавий дунёсининг ниҳоятда бойлиги, унда муқот услубга оид санъат асарларига ҳам, янги йўналишдаги асарларга ҳам ўрин топишганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ҳар қандай қатоганларга, етишмовчиликларга қарамасдан, маънавият интилиш ҳалқимизга ҳос хислатлар. Раҳматли отам ва онам иккинчи жаҳон уруши арафасида ўзбек хонадонларида Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»нинг араб алифбосидagi қўлемасини ярим тунда танча атрофида, шамчирокларнинг гириши ёруғида яширичана мутолаа қилганлигини икки бир фахр ва гурур билан гапириб беришган эди. Сталин қатогани авжга минган, ишга кеб қолганлиги ёки даладан тешиб олинган атиги бир неча бошоқ учун қамоққа ташланиш, сўргун қилиниш олатий ҳолга айлантиган бир вақтда худди шу асари учун «халқ душмани»га айлантилган, маҳз этилган адибнинг романини тақдирини ҳаётини қатта ҳаф остига қўйиб қўшига нима мажбур этган?

Бу саволга: «Маънавий бойлик, маънавий гўзаллик олдида қўрқинч кекинади, маънавий эҳтиёж ҳар қандай қатта ҳавфдан устун» деб жавоб бериш мумкин.

Хурматли Президентимиз «Жаҳонни маънавий қўқаради, таъкидлашларга теран маъноли бўлиб, инсоннинг бой ички дунёси ҳар қандай муаммони ҳал қилиб қолмасдан, улкан яратувчилик кучига эга, деган ҳақиқатини ҳам англатади. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз маънавиятни юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини уқтирадилар. Ҳақиқатдан ҳам юксак маънавий фуқароларини юксак тараққий этган давлатни барпо этиладилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенесининг раиси Темир Камолов Нукусада атиги бир ой ичида Бердақ музейининг қад рўстлагани ҳақида гурур билан гапирар экан, ана шу қурлиш олиб борилаётган жой атрофидаги аҳолининг савоҳатпешалигидан сўз очди. Шу ерлик нукусликлар ҳар кун тушликда тандир-тандир нон ёпиб, тоғора-тоғора ош ёки бошқа қил таом пишириб, музей қурувчиларини сийлашар экан.

Рўй-рост айтишимиз керак, ҳозирча ҳамма хонадонда бундай муруват қўрсатиш учун етарлича моддий имконият йўқ. Қолаверса, уларга ҳеч қим бундай топириқ бермаган, мажбур қилмаган. Айтмоқчимизки, бинокорлар дастурхонини безаш ҳар кимнинг қалб амри билан бўлган. Ана шу савоҳат тисмолида улар маънавий бой эканликларини, моддий бойликдан маънавий бойлиқни устун қўйишларини намойиш этганлар. Бу ўзининг инсонийлигини англаган инсоннинг олий жаҳонбилгидир.

Халқимизнинг ўзлигини англаши мустақиллик йилларида янги давлат бунёдкорларига тирикчилиқларидақ ўрнаб-лаётган ҳайкалдек қад рўстлаб-

тан саботли биноларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Темирўлар тарихи давлат музейининг барпо этилиши бунинг исботи эмасми!

Имом ал-Бухорийи мажмуасининг яратилиши шундан далолат бермайдими?

Ахён-ахёнда чекка-чеккадан, ҳозирги ўтиш даврида мураккаб шароитларда бу қурилишларга қатта-қатта маблағ сарф этиш тўғриси, деган шивир-шивирлар ҳам қулоққа қалиниб туришини яширмай қўя қолайлик.

Бурнидан узокни қўра олмайдиганларгина шундай фикрлаши мумкин. Ахир Исроом дунёсида тенги йўқ юртдошимизнинг иззат-иқромини бугун қўни қамаштириб турган қўй мажмау билан ўрнига қўймаска, қуруқ гап билан бунга эришиб бўлармиди! Мажмау тикланиши билан авваллари ҳатто номи билан номаълум бўлган Самарқанднинг Хартан қишлоғи ўзбек элининг Мақкасига айланмади? Неҳа юзлаб, неҳа минглаб қишлоқлар буюқ аждолимиз хоки пойларини қўзга суртишини ўзлари учун ҳам қарз, ҳам фарз ҳисоблаб, «кичик Ҳаж» зибратига отлан-машгадиларми? Буларнинг ҳаққ, инсон сифатида ўзликларини англаётганликларини эмасми!

Ана шундай ўзлиқни англаш «Маърифат йилган Бердақ» музейини барпо этишнинг юқоридан ҳеч бир қўрсатмасиз, умумҳалқ ишига айлантирмайдими?

Бу ўзлиқни англашни ҳозирги кунда ҳалқимизда, айниқса, ёшларда тарихимизга қизиқишнинг беқеъ ошганида аққол туйиш мумкин. Олимлар, зиёлилар даврасидagina эмас, олдий қишлоқлар гап-гаштакларида, гурунларида уларнинг буюқ Соҳибқирон Амир Темир шажараларидан Бобур сулолаларига, Нажириддин Қўбронинг филолигидан Жаҳониддин Мангубегларга, Навоий гаваларидан жадид адабиётига қилибдиҳилган ҳавасинг келмай иложинг йўқ. Бу маълумотлар тобора кенгайиб, қучурлашиб бормоқда. Халқимиз бой маданияти янги-янги ёлдоқларнинг қўзи очилляпти. Қани энди хурматли тарихчи олимларимиз, қалами ўзбек-қона адилларининг илдизи ўттиз асрга кетган қўна тарихимиз, бойлиги етти иккимга овоза бўлган маданиятимиз саҳифаларини таш-хонини, ёшларимизни шуларни ҳолда воқиф этса! Улар бу маънавий қарларини ўзиш мудодаларини қўзишга ҳаққи эмаслар.

Давлатимиз раҳбари йиғинлардан бирида, инсоннинг инсонийлигини ўйотишини ўзининг шахс сифатидаги бурчим деб билан, деган эдилар. Юртбошимизнинг бу савй-ҳаракатлари ўз самарасини бериётганлигини ҳар қандайда учратиб мумкин. Мустақиллигимизнинг етти йилдан сал мулроқ даври мубайнида биз, энг аввало, маънавий бойиш, ўзлигимизни англашда нақадар беқеъ илгарилар кетганлигимиз худди шундан гувоҳлик бермайдими?

Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ХАТОЛАР  
ТАҚРОРЛАНМАСА...

Сурхондарёда жамoa чорвачилигини ривожлантиришда ўзгариш қилиш мумкин

ди. Ҳусеуишлатириш сиёсатининг моҳиятини тушуниши хостаман раҳбарлар мулкдорларнинг ишини йўқламай қўйдилар. Ушобимчилик, сансозлик бўлди. Бугунги нарх-наволарга нисбатан олганда, ҳар бири битта ўрдакнинг пулига сотиб олинган зотдор молларни бозорларга чиқариб сотиб, чўнтакларини тўлдирганлар бўлди. Подасини ҳўжаруеин учун орик моллар ҳисобига тўлдириб қўйгувчилар бўлди. Хуллас, Шўрчидаги ўша 5692 молдан ҳозирга қадар қолгани 3153 та. Қўриб турибсизки, ярми йўқ...

Суритириб кетавсангиз, кейинги йилларда вилоятда жамoaчилик қарамонда қорамол туёқ сонини 2 бараварга, майда мол 3/2 бараварга қамайиб кетганлигини билиб оласиз. 1990 йилнинг бошларида 75-80 миң тонна сут, 25000 тонна гушт ишлаб чиқарилиб бўлса, бу кўрсаткичлар шу йилнинг 11 ойида 13613 (сўт) ва 5431 тонна (гушт) дан ошмади.

Вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлигининг чорвачилик бўйича мубовини Рустам Давлатов ҳам Шермамат подачининг гапларини тақрорлади. Яъни, айрим раҳбарлар ҳамон чорвачиликни ўзларига ҳалақат бераётган тармоқ деб билмоқдалар, — деди. Қарангки, бу гап эртаси кўни ўз исботини топди: 2 декабрь кўни Шўрчи туман ҳокими хўзурига туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси раҳбарларидан бири — Чорй Этамбердиев ҳаяжонланиб кирди.

— Ҳўжаликнинг раҳбарлари ноябрь ойининг ўзида 847 кўйини чиқим қилишга қоғоз тахлашди. Олдини олиш керак, — деди.

деб довруғ таратган қорхонага шу йил 1 декабрда қадар вилоят ҳўжаликлари ва бошқа жамoaлар бб тонна гушт топишди, ҳолок. Бу тузилган шартномаларнинг 10 фозини ташкил қилди. 180 миң АКШ долларига сотиб олиб келтирилган, соесика-қолд-баса ишлаб чиқариладиган цех тўхтаб, чанг босиб ётибди.

Шу қорхона қошидаги «Термиз-сўт» ҳиссалорлик жамияти аҳоли бундан беш баттар. Уша 4 декабрь кўни сут қорхонасида электр-энергиясини йўқ экан. Телефон ҳам ишламайпти. Қардорликларни туфайли узиб қўйилган. Бир ойдан бери аҳолимиз шу — деди бош ҳисобчи Икром Ашуралиев. Демак, бир ойдан бундан сўт қайта ишланмапти. Азза-базудай шу қорхонанинг 1998 йилда бор-йўри 1400 тонна сўтти қабул қилинганлигини эшитсангиз-ми. Дебитор-кредиторлик қарилари туйиқларидан шамоллар сариб қолган.

Термиздаги «Гўшт-сут савдо» ҳиссалорлик жамияти (уни қўйлар қисқа қилиб «Холодильник» деб ҳам айтиш-ляпти) тегиримони бўлса гувилаб ишлаб турибди. Музлатилган оғборлари гушт, сут маҳсулотларидан қўлаб оғиб турибди. Бу жамият гушт, сутни Тошкентдан ташиб келтирадиган, давлат таъминотидаги жамoaларни таъминлайди. Жамият ўз миқдорларига маҳсулотларини арзон-роқ баҳола сотади.

Лекин бу маҳсулотлар давлатимизга арзон тўшаётгани йўқ. Ҳўжаликлар чорваини эшлаб боқса, маҳсулотларини қўлайтурса, натижада гўшт-сут қорхоналарининг цехлари ишлаб кетса, гўшт-сут савдо жамиятларининг оғборларини ўзимиз тўлаёзмиб,

1999 йил — Аёллар йили  
ЯРАШИҚЛИ ГАП

Президентимиз 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилар эканлар, оналаримиз, опа-сингилларимизнинг ҳаётда тутиган ўрнига юксак баҳо бердилар. Дарҳақиқат, улар — шифокор, ўқитувчи, олим, журналист. Завод ва фабрикаларда ишчи, боғчада тарбиячи, кўчаларимизни тоза сақлаб, ободонлаштириётганлар ҳам аёллар. Раҳбарлик лавозимини ундаётган, эл меҳрини қозонаётган аёлларимиз-чи?

Бугунги ҳикоямиз одамларни оқсидан эргаштира олган раҳбар аёлларнинг бир вақилиси ҳақида.

Гулзира Еримбетовани қорақалпоғистонликлар яхши билишляди. У ешлигидан бу ишчи эр бола, унисини қиз бола қилиши керак, демади. Зарурини бажариб кетаверди. Гулзира Тошкент политехника институтини тамомлагач, Қорақалпоғистон Республикаси дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармасига муҳандис-технолог бўлиб ишга келди. Кўп изилди. Янги технологияларни амалиётга жорий қилишда ташаббускорлардан бўлди. Билмаганини сўради, билганларини ҳаммасола-рига уратди.

Кечаги олдий муҳандис, тиниб-тиничмайдиған, бошладиган ишчи иқтисодига етказ-мачулчи тўқтамийдиган қиз — Гулзира бугун Қорақалпоғистон Республикаси дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш очик турлаган ҳиссалорлик жамияти бош қорхонаси раҳбарилар.

Гулзира Шейхназаровна раҳбарлик фаолиятини ишчи ва хизматчиларнинг шароитини яхшилашдан бошлады. Уларнинг қайфиятини кўтарди. Ходимлар иссеқ оқват, махсуе кийим-кечак билан таъминланди. Кам таъминланган оқилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Натижада ҳар йили маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режалари ошириб бажариляптир.

— Соф фойда ҳисобидан қорхонамиз кенгайтирилмоқда, — деди сўхтаб чоғида Гулзира Еримбетова. — 1996 йилда Эллиққалта туманида иссеқ нон, макарон цехлари ишга туширилган бўлса, 1997 йилда бир кеча-кундузда 7 тонна макарон тайёрлаш қувватига эга замонавий шохобақа барпо этилди. Шу йилнинг март ойида ҳар кўни 20 тонна омихта ем тайёрланадиган цех бунёда этилиб фойдаланишга топширилди.

1994 йилнинг октябрь ойида қорхонамиз ҳиссалорлик жамиятига айлантилди. Бу қорхона учун ҳам, ишчи-хизматчилар учун ҳам талай имкониятлар яратди. Энди мулк эмасми. Эгалар ҳисса қимматли қоразларга қизиқишни ошдирди. Ҳар бир ақциямиз 750 сўмдан бўлиб, ўтган йил ақцияларни қўра, уларнинг ҳар бирини 1157 сўмдан дивиденд тўладики.

Р. РАҲИМОВ.  
Нукус шахри.



Гулшайдоси  
Тўрақўрғон туманида оилавий деҳқон ҳўжаралиги бошлиғи Мухторбек Воҳидовни танимайдиган одам кам топилмади.  
Танийдиганлар эса у кишини гуа шайдоси ден роса таърифини келтиради.  
Мухторбек ака ердан жуда унумай фойдаланади. Атиги 20 сотик ери ва мўъжазгина иссеқхонаси бор. Ёада бу ерда сарқил меваю сабаботлар етиштирилса, қишда турли анвойи гулларни қўриб, қўнганитиза чоп бўлади.  
СУРАТДА: Мухторбек ака ва ўғли Баҳодир гулазорда.  
Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар  
ИШОНЧНИ ЙЎҚОТГАНЛАР БИЛАН ШАРТНОМА ТУЗИЛМАЙДИ

Газетанинг шу йил 18 ноябрь сонида «Уйин» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилганди. Унда Тошкент шаҳар, Чилонзор туманининг «Ц» маъзида қўриб, фойдаланишга топширилган 17-ва 19-ку қаватли уйлардаги сифатсиз, чалакам-чати ишлар танқид қилинганди. Яқинда ушбу мақола муносабатин билан ўзбекистон Республикаси давлат ақциядорлик уй-жой жамгарма банк бошқаруви раиси жаноб Т. Азимовдан жавоб мактуби олинди.

Иш жараёнида юзага келадиган муаммо ва камчиликларнинг матбуот қанчалари томонидан ҳеч жамoaчилик ҳужими ҳанвола этилиши, — дейилди, жумладан, жавоб мактубида, — мажбур муаммоларнинг ечимини топиш ва камчиликларни бартараф этиш, ишга янгича ендашиш ҳамда миқдорларга бугунги кун талабидан қилиб чиққан

ҳолда хизмат кўрсатишда ўзининг ижобий таъсирини қўрсат-таётир.

Банк томонидан қўрилаган уйларга бўлган эҳтиёжини кескин қўлайлиши ва шу билан боғлиқ ҳолда қурилиш ҳўжамининг ортинди натижаеида бизни қўла тутишган муаммолар юзага кела бошлядики, пудрат қурилиш ташкилотларининг бозор муносабатларини шароитида иш юритиш тажрибасининг етишмаслиги, қурилиш ва лоийҳаланишнинг бир пайтда амалга оширилиши, бинокорлик материалларининг тақчиллиги, муҳандислик-коммуникация тармоқларини тақомиллаштириш зарурати ушбу муаммоларнинг бир қисминдир, ҳолок. Шу билан бирга, қурилиш бошланган уйнинг маблағ билан узлуқсиз таъминланиши, шартномага қўра барча ўзгаришнинг ўз вақтида амалга оширилиши ҳамда зарур ҳолларда қурилиш таш-

килотига иқтисодий ёрдам қўрсатилишига қараман, қурилиш ташкилотининг банк олдидаги шартнома мажбуриятини амал қилмаслиги ҳамда олинган мажбуриятга масъулиятчилик билан ендашиши ушбу муаммоларнинг асосий сабабчиси бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси банк ва миқоз ўрта-сида имзоланган шартнома-нинг бузилишига олиб келмоқда ва банк маъмуриятини фуқаролар олдига нуқулдай аҳволга солиб қўймоқда.

«Халқ сўзи»да чоп этилган мақолада ҳам юқорида таъкид-ланган муаммолар тилга олинган. Улар уй қуриб фойдаланишга топширилганда бош-лаб банк ҳодимлари назорати остига олинган бўлиб, имко-ният даражасида қурилиш таш-килотини жалб қилган ҳолда бартараф қилиб келинди. Бугунги кўнга келиб, қўрсатиб ўтилган камчиликлардан таш-қари коммуникациялардаги,

Янги йил арафасида  
АРМУФОН

Асака туманидаги «Ўзбекистон» жамoa ҳўжалиги ўраида яшовчи болакалар асрийизининг сўзига янги арафасида кўркам ва муқамал мактаб биносига қўйиб ўтдилар.


113-Марҳамат кўча механизацияланган жамланмаси қурувчилари ҳамда жамoa ҳўжалиги савй-ҳаракатлари билан қишлоққа кўп қаватли мактаб биноси қад рўстлади. Энди 800 нафардан ортиқ ўқувчи кенг ва ёруғ хоналарда фан асосларини ўрганиш, турли тўғаракларнинг амалий машгулотлари жараёнида назарий билимларини муоста-қамлашдан ташқари улкан спорт иншоотида жисмоний қинчилик имкониятига эга бўлишлар. Ранг-баранг белла-шуларда фалш иштирок эта-дилар. Айни пайтда 180 на-фар ўқувчини ўз бағрига ола-диган ошона ҳам болакай-лар ихтиёрига топширилди.

О. ШОДНОМОНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

*«Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон»  
ўчун ўтаётган 1998 йил қатор йирик  
муваффақиятлар йили бўлди.*

*Айтим жонски, эришилган натижаларимизни  
мустақил Ўзбекистон раҳбариятининг қонлиий  
қўллаб-қувватлашисиз  
тасаввур қилиб бўлмайди.*

*Биз шунга аминимизки, кириб келаётган Янги 1999 йил  
қонли таракқий топаётган мустақил Ўзбекистон  
мамлакатини ўчун янги ютуқлар йили бўлади.*



BRITISH AMERICAN  
TOBACCO  
UZBEKISTAN

*Янги йил арафасида  
Компания номидан бутун Ўзбекистон халқига  
сизхат-саломатлик, бахт ва саодат, ишлариниизда  
ижодий Зафарлар тилаймиз.*

Ҳамиша осойишталик ва омад ёр бўлсин, деб

БРИТИШ АМЕРИКАН ТОБАККО ЎЗБЕКИСТОН

SAMSUNG

«Ўз-Самсунг Электроникс» ҚҚ

*Ўзбекистон аҳолиси ва  
меҳмонларини*

*Янги 1999 йил билан*

*муқддасроқ этади.*

*Янги йил хар бир хонадонга  
Тинчлик ва Бахт,  
Муҳаббат ва тўқинлик  
олиб кирсин!*

UZ-Samsung Electronics

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ

«ПАХТА-БАНК»

КЕНГАШИ ВА БОШҚАРУВИ

ТАЪСИСЧИЛАР, АКЦИЯДОРЛАР,  
БАНК ТИЗИМИДАГИ БАРЧА ҲАМКАСБЛАР  
ВА МИЖОЗЛАР ҲАМДА  
БУТУН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ

Янги 1999 йил




БИЛАН

САМИМИЙ МУБОРАҚБОД ЭТАДИ !

СИЗЛАРГА МУСТАҲКАМ СОҒЛИК,  
ОИЛАВИЙ БАХТ-САОДАТ ТИЛАЙМИЗ !

Янги йил барчангизнинг хонадонингизга  
шоду хуррамлик, қут-барака олиб кирсин!

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ИМИЗНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ РАВНАҚИНИ ТАЪМИНЛАШ,  
УНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИНИ  
БУНЁД ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ  
ЭЗГУ САЎЙ-ҲАРАКАТИНГИЗДА  
УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАР  
ТИЛАЙМИЗ !



Сирожиддин САЙИД

# ОДИЙ ТИЛАКЛАР

Кўнгилларга сафо бергил,  
Софлик беру оқлик бер.  
Ҳар инсонга мурувват ҳам  
Меҳр бер, муштоқлик бер.

Оталарга фароғат бер  
Ва роҳат бер бус-бутун,  
Оналарга саодат бер,  
Умр беру соғлик бер.

Уғлонларга иқбол бергил,  
Имом бергил саломат,  
Шижоат бер, ору номус,  
Доим кўкси тоғлик бер.

Латофат бер қизларга ҳам  
Маслаҳат бер, садоқат,  
Яна ҳусну чиройига  
Бахтини ҳам боғлик бер.

Ёр кўксидан паноҳ бергил  
Севиб-севилганларга,  
Севганларга ёр зулфидан  
Дорлик бер, сиртмоқлик бер.

Айвонларга мунавварлик  
Ой ва қуёш меҳридан,  
Ҳар бир уйни бешиқлик бер,  
Аллалик, уйғоқлик бер.

Ким бўлмасин, тўқис айла  
Ризку насибасини,  
Чеккан ранжу захматидан  
Ҳар он вақтичоқлик бер.

Дўстлар сафин мустаҳкам эт,  
Аҳил этгил, иттифок,  
Душманларнинг қаторига  
Тоғлик бер, тарқоқлик бер.

Ҳаволамоқ нечун ахир,  
Инсонмизку ҳаммамиз,  
Ҳар кимга ҳам инсоф бергил,  
Узингдан кўрқмоқлик бер.

Жилгаларга жавлон бергил,  
Чопсин қўзичоқлардай,  
Чўққиларга залвор бергил,  
Кўкси баланд тоғлик бер.

Сен қўладинг, тўлди гулу  
Чечакларга бул Ватан,  
Бундан сўнг ҳам қучоғига  
Бўстонлик бер, боғлик бер.

Шеърга солмоқ учун шунча  
Орзу ва умидларни,  
Менинг шоир дилларимга  
Дардкашлик бер, чоғлик бер.



## ЯНГИ ЙИЛ КУВОНЧИ

Пойтахтимизнинг Юнусовод туманидаги 414-«Бўтакўз» болалар боғчаси сариқ касали билан оғриган кичкинтойларни тарбиялашга ихтисослашган. Мазкур боғчада 6 гуруҳда 115 нафар ўғил-қиз тарбияланади. 40 нафарга яқин боғча жамоаси болаларнинг баркамол, ушхуқли бўлиб улағишлари учун фидойилик кўрсатиб иш қилган бўлсалар, шифокор ва имширалар эса кечроқ кундузларнинг саломатлиги йўлида ривонадир. Шу кунларда барча жойлар-булагани каби бу ерда ҳам Янги байрами бўлиб ўтмоқда.

Янги йил кичкинтойлар учун энг кувончли байрам саналади. Улар узоқ ўрмонлардан келган Қорбони, гулал Қорқизни, ранг-баранг ўйинчоқлар билан безатилган арчани, ҳаттоки ёвуз ялмоғизни ҳам орзиқиб кутадилар. Шу бос, тарбиячи опалар бу байрамга алоҳида тайёргарлик кўришди. Арча атрофида рақсга тушиб, шеърлар айтган, Қорбоннинг соғаларини олган болаларнинг кувончи чексиз. СУРАТЛАРДА: байрам томошаларидан лавҳалар. Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА) олган суратлар.



### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ ХУЗУРИДАГИ ҚЎРИҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

Пойтахтимиз худудидаги барча хорижий фирмалар, қўшма корхоналар, халқ эшакли иншоотлари раҳбарларини

#### ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ.

Қўриқлаш хизмати - бу, СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ВА КАФОЛАТЛИ ҚЎРИҚЧИНГИЗ эканлигини унутманг.

Бунга биз билан ҳамкорлик қилаётган юзлаб корхона ва пойтахтимиз аҳисси ишонч ҳосил қилишди. Чунки биз қўриқловга олган тижилотлар ҳамда хонадонларда биронта ҳам ўғирлик содир этилишига йўл қўйилмайди.

#### ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИ - СИЗНИНГ МОЛ-МУЛКИНГИЗНИ ҚЎЗ ҚОРАЧИГИДЕК САҚЛАШГА ВА ООЙИШТАЛИГИНГИЗНИ ТАЪМИНЛАШГА ТЎЛА КАФОЛАТ БЕРАДИ.

Биз билан ҳамкорлик қилиб БАРЧА ташвишлардан халос бўласиз.

М-мулкнинг ишончли қўлларда бўлсин, десангиз биз билан шартнома тузишга шошилсинг.

Маълумотлар учун телефонлар : 136-01-69; 133-77-36; 133-01-90, 34-01-69.

ҚЎРИҚЛАШ БОШҚАРМАСИ РАҲБАРИАТИ ВА  
ШАХСИЙ ТАРКИБИ СИЗ - АЗИЗ ҲАМЮРТЛАРНИ  
ВА БИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛАЁТГАН  
ТАШКИЛОТЛАРНИ

## ЯНГИ 1999 ЙИЛ БИЛАН ЛУБОРАКБОД ЭТАДИ.

### РИСОЛАТХОН ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ

Рисолатхон Турғунова математика фани ўқитувчилари ўртасида шаҳар ва вилоят миқёсидаги танловларда галиб чиққанида, кўпчилик республикадаги касбдошларидан ўзиб, шоҳсупанинг энг юқорисига кўтарилди, деб уйлашмаган эди. Яқинда Рисолатхон Марғилон шаҳридаги 14-ўрта мактабга мамлакатимизнинг «Энг зукко ўқитувчиси» деган шарафли ном билан қайтди. Мамлакат миқёсидаги танловда ўз касбига кўнгил қўйган 14 нафар математика фани ўқитувчиси баҳс бойлашди. Талабчан ҳакамлар эса Рисолатхоннинг ўз касбига меҳр қўйганлиги, билимдонлиги, тиришчиликни юксак баҳоладилар.

Набижон СОБИР,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### СПОРТ — ЧИНИКИШ МАКТАБИ

Термиз шаҳридаги «Динамо» спорт жамоасида Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси, шунингдек боғхона хизмати бошқармаси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш илоралари ходимлари ўртасида қўл жанги буйича мусобақалар ўтказилди. 130 дан ортқ спортчи иштирок этган ушбу беллашууда ички ишлар бошқармаси ходимлари умумкоманда ҳисобида галиб чиқди.

Ч. ТҲАЕВ,  
ЎЗА мухбири.

### Ихтисослаштирилган давлат акционерлик-тижорат «Асака» банки

Ўз мижозларини, акциядорларни,  
Ўзбекистон аҳолисини ва  
меҳмонларини  
**Янги 1999 йил**  
билан табриклайди!  
Биз сизга тинчлик,  
барқарорлик, ҳар бир хонадонга  
хотиржамлик ва  
фаолиятингизда муваффақият  
тилаймиз!



Жисмоний ва юридик шахсларга миллий ва хорижий валютада кенга миқёсдаги банк хизмати

Тошкент ш. Нукус кўч. 67-уй  
тел.: (998 71) 1208111  
факс.: (998 712) 640659

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданият алоқалар жамиятлари Кенгаши Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Ҳафизович Комиллов пайри бузрукворлари **Ҳафиз КОМИЛОВ**нинг вафоти муносибати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайъати аъзолари ва жамоаси Тошкент шаҳар ҳокимияти молия бошқармаси бошлиги Бахтиёр Тоҳировнинг оталари **Иброҳим ТОҲИРОВ**нинг вафоти эътиборини муносибати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати, касба уюшма қўмитаси ҳамда «Агробизнес» кафедраси аъзолари кафедра доценти Т. Туреунходжаева рафиқаси **Раънохон ТУРСИНОДЖАЕВА**нинг вафоти муносибати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Uzprommashimpex» давлат-иқтисодий ташқи савдо компанияси жамоаси бошқарув раиси муовини Бахтиёр Комилловга отаси **Ҳафиз КОМИЛОВ**нинг вафоти эътиборини муносибати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзР ФА Ботаника институтини ва Ботаника боғи жамоаси усимликларни муҳофаза қилиш лабораторияси мудири Умарқул Раҳмонқуллова волидан муҳтарамаси **САЪДИХОН** аянинг вафоти эътиборини муносибати билан чуқур таъзия изҳор этади.

### «ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Аббосхон  
УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:  
М. ЕГОРОВ  
(маъсул котиб — «Народное слово»),  
А. ЖАББОРОВ,  
С. ЗИНИН,  
М. МИРАЛИМОВ,  
С. МУҲИДДИНОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),  
Л. ПАК  
(бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),  
М. САФАРОВ,  
Р. ФАРҲОДИЙ,  
И. ХУДОЁЕВ,  
И. ШОҒУЛОМОВ,  
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:  
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;  
Ҳуқуқ — 136-07-94;  
Иқтисодиёт — 136-36-65;  
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85  
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;  
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;  
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;  
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;  
Котибият — 133-10-28;  
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001  
Буюртма Г — 0608, 27517 нусхада босилди, ҳажми — 2 табақ. Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.  
Навбатчи муҳаррир — И. УТБОСАРОВ.  
Навбатчи — А. ЖҲРАЕВ.  
Мусаххач — Ш. МАШРАББОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.  
Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга тошириш вақти — 21.00  
тоширилади — 23.00  
1 2 3 4 5 6